

# Лойиха-смета ишларини бажариш учун 42-сонли ШАРТНОМА

«20» О6 2022йил.

Андижон шахар

Бундан бўён Буюртмачи деб аталувчи "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Б.Абдурахимов ва бундан бўён Бажарувчи деб аталувчи "MIMAX ROAD" М.Ч.Ж. бошлиғи С.Закирова буюртмачининг танлов хужжатларига асосан қуидаги шартномани туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги "Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-249-сон

каорига мувоғик Андижон вилояти худудидаги ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмираш

учун ажратилган маблағларнинг манзилли рўйхати 1-иловага мувоғик лойиха ишларини бажариш.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, Асака туман "А. Темур" МФЙ "Кубро" кўчасига цементбетон қоплама ётқизиш ишларини бажариш учун лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиши топширади. Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Танлов комиссиясининг 2022-йил 16 июн кунги № 101296-сонли йигилиш баённомасига асосан лойиха-смета ишларини бажариш билан боғлиқ ишларга шартнома тузилган.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар коидалари

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан **7 654 000 (етти миллион олти юз эллик тўрт минг)** сўмни ташкил қиласди. Шундан ЛСХ харажатлари қийматининг 30% микдорида (аванс) бўнек тўлови бу ҚҚС билан **2 296 200 (икки миллион икки юз тўқсон олти минг икки юз)** сўмни ташкил қиласди.

2.2. Колган **5 357 800 (беш миллион уч юз эллик етти минг сakkiz юз)** сўм тўлов 2022-йилда ушбу объект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўм амалга оширилади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи микдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳак тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куидаги холлар бундан мустасно:

ишлиар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганди; ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вактида бажаришини, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишини ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувоғик бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган максадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳаки ўз вактида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати хам тўлов ҳаки кечиқтирилган вактга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия хисобкитобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул килиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-ракамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳакли.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул килиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисботот хужжатлари топшириш-қабул килиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартномадан 4.1 бандида кўрсатилган ҳисбот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисбланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисбланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиҳа бўйича хulosса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисбланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар конун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиҳа-смета хужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси кўшимча келишув асосида ўзгарилилгандан сўнг Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш хукуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда ва Андижон вилояти иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул

маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишига ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича хисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

**8. Томонларнинг манзили ва хисоб рақамлари**

**Буюртмачи**

**"Ягона Буюртмачи хизмати" ИК**

Манзил: Андижон шахар,

А.Навоий кўчаси №45-үй.

тел/факс:(0-374) 223-08-38

ИНН: 200238014 ОКОНХ : 69000

ШХР: 304521860034017045129118091

Марказий Банк Тошкент шахар бош

бошқармаси Уз.Рес.Молия Вазирлиги

X/p: 23402000300100001010

МФО: 00014

**Бажарувчи**

**"MIMAX-ROAD" МЧЖ**

Андижон шаҳри Махжурий кўчаси 27-үй

Телефон: (+99890) 526 1980

X/p: 2020 8000 8009 9958 2001

Асака Банк Андижон вилоят бўлими

МФО: 00069 ИНН: 306 098 110

ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110



Хуқуқшунос:



С.Закирова